

*Z.Nishanova, master's degree,
Fergana state university,
Uzbekistan, Fergana city*

*З.Нишанова, магистрант,
Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона ш.*

UNDERSTANDING OF DIPLOMATIC CORRESPONDENCE

ДИПЛОМАТИК ЁЗИШМАЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Annotation: the article provides an understanding of diplomatic correspondence and their contents.

Keywords: linguistics, correspondence, diplomatic correspondence.

Аннотация: мақолада дипломатик ёзишмалар ва уларнинг мазмуни ҳақида тушунча берилган.

Калит сўзлар: лингвистика, ёзишма, дипломатик ёзишма.

Ўзбек тили ривожланишининг сўнгги босқичида рўй берган янги ҳодисалар тил тизими ва мулоқотнинг турли соҳалари, шу жумладан соф расмий услубга ҳам ўзгаришлар киритди. Йигирма биринчи асрнинг сўнгги ўн йилида Ўзбекистонда бизнес ва тижоратнинг ривожланиши нафақат оғзаки ва ёзма расмий мулоқот услубини, балки мазмунини ҳам сезиларли даражада ўзгартирди. Давлат тилида иш юритишда дипломатик ва юридик ҳужжатларнинг янги турларини (резюмелар, рекламалар, электрон почта хабарлари, никоҳ шартномалари, расмий хатларнинг янги турлари), турли расмий коммуникатив вазиятларда қўлланувчи янги

терминлар ва атамалар, янги тил моделларини яратиш зарурияти пайдо бўлди.

Ўзбек адабий тили тараққиётининг ҳозирги босқичида расмий мулоқот услуби ҳужжатларнинг янги турлари, янги тушунчалар, термин ва атамалар, шунингдек, бизнес соҳасида расмий мулоқотнинг янги тенденциялари публицистик ва сўзлашув услублари таъсирида шаклланган. Ўзбек тили мулоқотининг расмий услубида хориж маданияти таъсири (расмий мулоқот этикаси, дипломатик ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари) туфайли бир қатор янги ҳодисалар (инновациялар) пайдо бўлди. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, “расмий услубнинг ёзма шакли янги терминлар билан бойимокда”.

Тадқиқот давомида расмий матнларда фойдаланиладиган лексика, тилнинг ифода воситалари нуқтаи-назаридан эркин ишлатилиши ва мазмуннинг ишонтириш, таъсир қилиш кучига катта аҳамият берилганлигига эътибор қаратилди. Замонавий расмий мулоқот услубида содир бўлаётган ўзгаришлар ушбу соҳани атрофлича тадқиқ қилиш ва таҳлил қилишни талаб этади.

Халқаро алоқаларни олиб бориш расмийликка риоя қилиш, ман этилган мулоқот услуби, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш, вазиятга мос расмий этикет формулаларидан фойдаланиш (саломлашиш ва хайрлашиш, мулоқотни бошқариш, мунозарада иштирок этиш, рад этиш), истехзоли, кинояли ва ҳақоратли оҳангни истисно қилган ҳолда амалга оширилади. Масалан, дипломатик ёзишмалар муаллифлари “зудлик билан”, “дарҳол” сўзлари билан адресатни шошқалоқликка ундамаслиги, кўрсатилган муаммонинг тайёр ечимини иккинчи томонга юкلامаслиги, ҳужжатни рад этиш мазмуни билан бошلامаслиги зарур. Акс ҳолда бу тарзда муносабат билдириш салбий қарор чиқарилишига сабаб бўлади[1]¹.

¹ Рогожин М.Ю. Документы делового общения. – М.: Альфа-Пресс, 1999. - 208 с.– С. 22-23.

Халқаро мулоқот этикаси (расмий сўзлашув) адресат ва ҳужжатларни юборувчиларга бир нечта қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Масалан, ҳужжат юборувчи томон “дарҳол”, “зудлик” билан каби сўзларни “биз тез вақт ичида жавоб оламиз деган умиддамиз”, “сизнинг ахборотингиз биз учун қадрли” каби жумлалар билан алмаштирилгани маъқул (urgently, immediately - We hope to receive the answer soon ...; your report about the decision will be greatly appreciated). Бундан ташқари, адресатни керакли ечимга ундаш: масалани ижобий ҳал этилишини сўрайман - I ask to resolve an issue positively; ушбу номзодни маъқуллашингизни сўрайман - I ask to approve this candidacy; формулалардан фойдаланиш: Мен иккинчи томоннинг бефарқлигини ҳисобга олиб, масалани диққат билан ўрганишни таклиф қиламан - I suggest to study attentively, assuming the addressee's carelessness; рад этишга ишонтириш учун муваффақиятсизлик сабабларини тушунтиришдан бошлаш тавсия этилади. Биринчи навбатда хатни қабул қилувчидан тезкор ва аниқ жавоб талаб қилинади.

Иш юритиш ҳужжатларининг тили ва услуби ҳам турли лингвомаданиятларда кўп жиҳатдан ўхшашдир. Хусусан, ҳужжат муаллифи, қоида тариқасида, жамоавий субъект ҳисобланади (хатто бир шахс томонидан имзоланган), ҳужжатлардаги фаолият предмети дирекция, ташкилот номи билан ифодаланади. Бироқ, расмий услубнинг шахссиз гаплар билан ифодаланиши кўпроқ хорижий ҳужжатларга хосдир. Масалан, Ғарб мамлакатларининг дипломатик ёзишмалари индивидуал ёки шахс томонидан амалга оширилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги дипломатик ёзишмаларнинг миллий ва маданий хусусиятларини лингвокультурологик нуқтаи-назардан таҳлил қилиш учун профессор Э.Бегматовнинг ўзбек тили услубиёти асосида ўзбек нутқи маданиятига оид тушунчалари, Г.Т.Маҳкамованинг маданиятлараро мулоқотга оид фикрлари, В.В.Воробьеванинг лингвокультурологик доира методига оид қарашлари, Е.М.Верацагина,

В.Г.Костамаровнинг лингвомамлакатшуносликка оид назариялари, В.А.Маслова томонидан тизимлаштирилган лингвокультурологиянинг категориаль тузилмасидан фойдаланилди.

Хужжатларни тайёрлаш, расмийлаштиришда тилнинг барча асосий қонуниятлари ва қоидаларини маълум даражада билиш зарур, шунингдек, тилнинг имло қоидалари, тиниш белгилари ва услубий қоидалар ҳам пухта эгалланган бўлиши керак. Шу маънода, ўзбек хужжатчилигида ҳам жиддий ўрганилиши, амалий ва назарий тадқиқ этилиши лозим бўлган айрим ўринлар бор. Айниқса, хужжат номларини ўзбек тилининг ўз имкониятлари асосида шакллантира бориш, хужжатчиликдаги сўз, сўз бирликлари ва ибораларнинг ўзбекча муқобилини излаб топиш ва амалиётга киритиш муҳим вазифалардан саналади. Масалан, ҳозирда ўзбек хужжатчилигида “справка” маъносида “маълумотнома”, “рапорт” ўрнида “билдириш”, “инструкция” ўрнида “йўриқнома”, “акт” ўрнида “далолатнома”, “характеристика” маъносида “тавсифнома”, “ведомость” ўрнида “қайднома”, “протокол” ўрнида “баённома” каби атамалар ишлатилмоқда. Албатта, бу ҳолат мантиқан тўғридир.

Ҳозирда ҳам дипломатик хужжатлар шакл ва лисоний жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эга. Уларни ёзишда нимани ёзиш масаласигагина эмас, уни қай йўсинда ёзиш масаласи ҳам муҳим бўлиб, ҳаттотдан чуқур малака ва катта тажрибани талаб этади. Дипломатик ёзишмаларда хужжат турини унинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда тўғри танлаш ва ёзиш қонун-қоидаларига тўғри амал қилиш, хужжат йўлланаётган мамлакат анъаналарини ҳисобга олиш зарурдир. Дипломатик хужжат албатта жавоб талаб қилади.

Дипломатик хужжатларда хужжат юборилаётган мамлакатнинг номланишида, шахснинг лавозими, исми-шарифини ёзишда, унга мурожаат шаклларида бирон-бир хатога йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас. Дипломатик хужжатлар ташқи кўриниш жиҳатидан ҳам бенуксон бўлиши

шарт. Улар энг аввало сифатли қоғозга бир текис жойлаштирилган ҳолда беҳато ёзилиши, ҳеч қайси ҳарф ўчирилмаслиги ва тўғриланмаслиги, муҳр ўз ўрнида қўйилиши шарт.

Ўзбек тили ривожланишининг сўнгги босқичида рўй берган янги ҳодисалар тил тизими ва мулоқотнинг турли соҳалари, шу жумладан соф расмий услубга ҳам ўзгаришлар киритди. Йигирма биринчи асрнинг сўнгги ўн йилида Ўзбекистонда бизнес ва тижоратнинг ривожланиши нафақат оғзаки ва ёзма расмий мулоқот услубини, балки мазмунини ҳам сезиларли даражада ўзгартирди.

Тадқиқот давомида расмий матнларда фойдаланиладиган лексика, лотин ва юнон тилларидан ўзлаштирилган терминлар, замонавий расмий мулоқот услубида содир бўлаётган ўзгаришлар ушбу соҳани атрофлича тадқиқ қилиш ва таҳлил қилишни талаб этади. Ушбу соҳадаги тадқиқотларимиз натижалари кейинги мақолларимизда эълон қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Рогожин М.Ю. Документы делового общения. – М.: Альфа-Пресс, 1999. - 208 с.– С. 22-23.

2. Бабаханова Д.А. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. Автореферат дисс.на соискание уч. ст. канд. филол. наук. -Ташкент, 1987.

3. Муҳиддинова Х.С., Абдуллаева Н.А. Расмий услубнинг дипломатик ёзишмалар тури. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази, 1997.